
МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ БИНОСИГА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Қуввати 6 кВт.и бўлган ушбу қуёш панеллари ташкилотнинг ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган электр энергиясини тўлиқ қоплаш имконини беради. Натижада йиллик 6,6 млн.кВт.соат электр энергиясини тежаб қолишга эришилади.

Маълумот учун, Президентимизнинг 2023 йил 16 февраль кунги «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия тақчиллиги қопланишини таъминлаш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш вазифаси белгиланган эди. Ушбу жараён Марғилон шаҳрида ҳам жадаллик билан давом этмоқда.

2023-03-03 18:34:18